VI.КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2019 йилнинг январь-март ойларида 2856 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 118,5 % кўпдир), уларнинг сони 32217 тага етди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 26895 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 18,0 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 2991 таси (11,1 %) Зангиота, 2622 таси (9,7 %) Қибрай, 2035 таси (7,6 %) Тошкент туманлари ҳамда 1579 таси (5,9 %) Чирчиқ шаҳри ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, *%*

2019 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 2859 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1549 тага ёки 118,5 % га ошган.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар кесимида сони, *бирликда*



Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар кесимида ўсиш динамикаси, *1 апрель ҳолатига %да*



Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2019 йил январь-март ҳолатига (жамига нисбатан %да)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 41,5%), саноат (21,7%), қурилишда (9,4%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (7,5%), ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-март ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2019 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 44,4% (2018 йил январь-мартда 49,6%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1917,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 17,8 %) ёки 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 103,6 % ташкил қилди;

- 2432,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 98,7 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 90,5 %) ташкил қилди;

- 627,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 25,3 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 144,3 % ташкил қилди;

- 284,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 39,4 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 171,0 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,8 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 54,7 %), йўловчи айланмасининг эса 102,0 % (умумий йўловчи айланмасининг 96,3 %) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4 % ёки 2888,1 млрд. сўм (ўсиш 103,0 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 71,4 % ёки 2072,4 млрд. сўми (ўсиш 103,2 %) шакллантирилди;

- 147,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 32,6) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 303,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 49,8 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2019 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	*Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида*
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2432,4	99,6
Саноат	397,8	20,8
Қурилиш	284,6	39,4
Чакана савдо	2888,1	88,4
Юк ташиш, *млн т*	9,9	23,3
Йўловчи ташиш, *млн.киши*	138,5	89,9
Экспорт, *млн. АҚШ долл.*	147,9	x
Импорт, *млн. АҚШ долл.*	303,0	x

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши

(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиция	Хизматлар
2019 йил январь-март	44,4	17,8	90,5	88,4	39,4	19,3	71,4
2018 йил январь-март	49,6	19,4	93,0	89,2	36,9	41,1	74,8